БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 163 (1941) | 19 август, шанба, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ТЕРИМГА ТАЙЁРГАРЛИК БИЛАН БОҒЛАБ ОЛИБ БОРАЙЛИК!

Ҳосилни тезроқ етилтириш ва янада кўпайтириш учун курашда ҳамма майдонда, айниқса, ғўза яхши ривожланмаган майдонларда суғориш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш, бунда агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш катта аҳамиятга эгадир.

Комсомол районидаги Ленин номли колхознинг Ғанишер Юнусов ва Султон Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши билан бирга йиғим-терим тайёргарлик ишлари ҳам авж олиб кетди. Суратларда: (чапдан ўнгга) 1. Бригада аъзоси Солиҳхон Мирзараҳимова, Ғанишер Юнусов ва трактрочи Карим Тошматов ўртоқлар машина теримига ажратилган далани кўздан кечирмоқдалар. 2. Бригада участчиги Т. Жумаев бригадир ўртоқ С. Жўраевга машина теримни учун ажратилган карталардаги олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисоб бераяпти.

В. Салов фотолари.

Партия конференциялари

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида партия конференциялари бўлиб ўтмоқда. Партия ташкилотлари ҳаётида жуда катта воқеа бўлган бу конференциялар бутун совет халқи, партия ва мамлакатимиз тарихида шонли кун — КПССнинг XXII съездига зўр тайёргарлик кўраётган, улуғвор етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ кураши кенг авж олдириб юборилган ва мамлакатимизнинг ҳамма ерида КПСС Программаси ва Устави проектлари кенг муҳокама қилинаётган бир пайтда ўтмоқда.

Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарларида, Киров, Фрунзе, Гулистон, Калинин ва бошқа районларда партия конференциялари бўлиб ўтди. Партия ташкилотлари партия конференцияларига сон жиҳатидан анча ўсган, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, сиёсий жиҳатдан чиниққан ва шонли партиямиз ленинчи Марказий Комитети атрофига ҳар қачонгидан ҳам маҳкам жипслашган ҳолда келдилар.

Замонамизнинг коммунистик манифести — КПСС Программасининг проекти бутун совет халқининг меҳнат соҳасидаги ғайрати ва сиёсий активлигини янги кўтарилган даражада ошириб юборди. Программа проектида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор истиқболлари ёрқин кўрсатиб берилган. Бу тарихий ҳужжат ҳар бир совет кишисининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Бўлиб ўтган партия конференцияларида коммунистлар Программа проектини якдиллик билан маъқулламоқдалар ва унда белгиланган коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини шараф билан бажариш учун ўзларининг тайёр эканликларини билдирмоқдалар. «Мамлакатимизда коммунизмнинг тантаниси учун кураш йўлида ўзимизнинг бутун куч ва ғайратимизни аямаймиз!» — партия конференциялари ана шу шиор остида ўтмоқда.

Партия ташкилотларининг раҳбарлигида областимизнинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда, етти йиллик план топшириқларини бажаришда дурустгина натижаларга эришилди. Область саноати етти йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди ва ундан ташқари халқ хўжалиги учун кўп миқдорда турли хил машиналар, асбоб-ускуналар, бинокорлик материаллари ва кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш йўли билан корхоналарнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланди. Бу муваффақиятлар коллективларнинг фидокорона меҳнати, социалистик мусобақани кенг авж олдириш ва партия ташкилотлари давлат планларининг тўла ва ортиғи билан бажарилишини таъминлашда ташкилотчилик қилганликлари туфайли қўлга киритилди.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, сабзавот ва полиз экинларининг мўл-кўллигини таъминлаш соҳасида бирмунча муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Бироқ айрим партия ташкилотлари хўжаликка етарли равишда ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмаётирлар. Шунинг оқибатида ҳали ҳам ишлаб чиқариш планларини, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармай келаётган колоқ хўжаликлар ҳам бор. Жумладан, Тошкентдаги Киров район саноати шу йилнинг биринчи ярим йиллик топшириғини бажармади. «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Подъёмник», «Таштрансмаш» каби йирик корхоналарда ҳам белгиланган давлат планлари адо этилмаётир.

Ҳозирги пайтда — коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партия ташкилотларининг роли янада ошади. Партия ташкилотлари оммани ташкилчилик ишларини такомиллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини янада юксак даражага кўтариш, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган иш учун бўлган масъулиятини кучайтириш белгиси остида ўтказайлик!

Партия конференцияларини танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида, барча партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, ташкилотчилик ишларини такомиллаштириш, сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини янада юксак даражага кўтариш, давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир ходимнинг ўзига топширилган иш учун бўлган масъулиятини кучайтириш белгиси остида ўтказайлик!

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗИТИБ ЮБОРИЛДИ

Сирдарё районидаги пахта тайёрлаш пунктларининг коллективлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ғўза парваришини бўшаштирмай, йиғим-теримга пухта тайёрланайлик» деган қарорида кўрсатиб берилган тадбирларни ўз вақтида бажариш учун янги мавсумга тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар.

Айниқса «Малик» пахта тайёрлаш пунктида амалга оширилаётган ишлар кишининг диққатини ўзига тортади. Бу йил қабул қилинадиган пахтанинг кўпчилик қисми қоп-қанорси ташиб келтирилади. Шунинг учун бу ерда 2 та механизациялаштирилган агрегат ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйилди. 6 та транспортёр ҳам ишга шай ҳолда турибди.

Ҳар бирига 300 ва 575 тоннадан пахта кетадиган 20 та майдон тайёрланди. Пункт ичидаги йўлларни асфальтлаш мақсадида 300 кубометрга яқин тош тўкилди. 10 тонна юк тортадиган тарози ўрнатилди.

Бундан ташқари «Сирдарё» пунктида ва Тарас Шевченко номли колхоз қишлоғида янгидан ташкил этилган пунктда ҳам бу йилги ҳосилни қабул қилиб олиш учун қизғин тайёрланилмоқда.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

БЎЛИҚ КЎСАКЛАР

Августнинг бошида бригадага қўшни бригадаларнинг пахтакорлари келишди. Султон аканинг ишдан кўнгли тўқ эди. Ҳосили мақтагудек, ҳар гектар ерда 84 минг туп кўчат бор. Бегона ўт йўқ.

Ўша куни кечқурун колхозда катта йиғилиш бўлиб, бригадалараро текширш натижалари якунланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер ака Юнусов бригадасида ҳар туп ғўзада 7 тадан, Султон ака Жўраев бригадасида эса 7 яримтадан тўқ кўсак етиштирилипти.

Шу йиғилишда Султон ака янги мажбурият олди. Йиғилишга бориш олдидан бригада аъзолари кенгашиб олишган эди. Шу маслаҳатга кўра август охиригача ҳар туп ғўзада 15 тадан тўқ кўсак тўплашга сўз берди.

— Илгариги мажбуриятимиз 30 эди,— деди у йиғилишда,— ўйлаб турсак бу жуда оз. Ўтган йили 34 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил пахтамиз эртаги, кўчат ҳам кўнгилдагидек. 40 центнердан ҳосил кўтарамиз. Бу мажбуриятни Октябрь байрамигача бажарамиз.

Янги мажбуриятдан кейин бригадада ғўза парвариши яна кучайтирилди. Бу орада область новаторлар кенгашининг аъзолари келиб бригаданинг ишидан хурсанд бўлдилар. Ана шу мақтовлар бригада аъзоларига янги куч бағишлади, мадад берди. Улар яна ҳам унумли, яна ҳам сифатли ишлай бошладилар. Ака-ука механизатор Абдураҳмон ва Рўзибой Умаровлардан тортиб, чевар теримчилар Ойна Бердиева, Муборак Боймирзаевагача — ҳамма баракали кирмон орзусида меҳнат қилишга киришди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Колхоз раҳбарлари кейинги мажбуриятнинг бажарилишини текшириш учун бригадага келдилар. Картама-карта, эгатма-эгат юриб ишнинг сифатини кўрдилар. 115 гектар майдонда мўл ҳосил тўпланипти. Ҳар бир туп ғўзада 12—13 тадан тўқ кўсак бор. Ўрикдай, данакдай кўсакларнинг ҳисоби йўқ. Ўртоқ Ғанишер Юнусов бошлиқ бригадада ҳам ҳосилни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бригада аъзолари колхозда энг юқори ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Султон ака бригадасига 27 центнердан план берилган. Бригада аъзолари эса 40 центнер учун курашмоқдалар. Ғанишер ака бригадасининг плани 30 ярим центнер. Мажбурият ҳам шунга яраша бўлади-да!

Шу кунларда Комсомол районидаги Ленин номли колхознинг ҳар иккала мўл ҳосилли бригадасида ғўза парвариши билан бирга йиғим-теримга тайёргарлик ҳам қизғин бормоқда. Колхозчилар КПСС янги Программаси ва Устави проектларини чуқур ўрганмоқдалар. Пахтакорлар партия Программасида қишлоқ хўжалигини бундан буён янада ривожлантириш тўғрисида берилган йўл-йўриқлардан илҳомланиб, ҳосилдорликни кескин кўтариш учун курашмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

БЕШ ЮЗ ТОННА!

Тушки дам олиш тугаши биланоқ ҳамма ўз иш жойини эгаллади. Комбайнчи Павел Ким механизаторнинг ишга шайлигини кўздан кечириб бўлиб, тракторчига сигнал берди. Механизатор педални босди. Комбайн маккажўхори «ўрмони» оралаб, аста-секин сузиб кетди.

Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас ЕУ 45-53 номерли машинанинг кузови силос билан лиқ тўлди. У олдинга жилиши билан комбайн ёнига иккинчи автомашина яқинлашди. Трактор ҳамон гуриллар, машинанинг кузовига силос оқарди.

Мурафиддин дала шийпони олдидан ўтаётганида уни бригадир Қўчқор Қоранчалов тўхтатди:

—Ука, раисни кўрсанг айт. Машиналарни кўпайтирмасак бўлмайди. Бугунги ишимиз чакки эмас, комбайннинг ишлаши жойида. Кечгача 17-20 тонна бостиришимиз мумкин.

—Ҳўп бўлади, албатта айтаман,— жавоб берди шофёр М. Жавриев.

Машина кўздан ғойиб бўлгач, бригадир дала шийпонига бориб, ён дафтарини олди. Ундаги рақамларга тикилди. Шу тоб бригадирнинг юзида қувонч аломатлари пайдо бўлди.

Бу йил Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ёш маккажўхорикорлари ғайрат кўрсатиб ишладилар. 5 киши 55 гектар ерда «дала маликаси» етиштирди. Айниқса универсальчи Мўмин Тожиев астойдил меҳнат қилди. Бу азамат йигит ҳамма майдондаги маккажўхорини тўрт марта узунасига, 5 марта кўндалангига культивациядан чиқарди.

Бригаданинг меҳнатсевар аъзолари Сафар Жуманов, Сайидқул Саримсоқов ва Эрмек Қўйлибоев ўртоқлар ўсимликнинг сувидан, озуғидан ўз вақтида хабар олиб турдилар. Ҳалол меҳнат зое кетмади. Ўсимликнинг бўйи 5-6 метрга етиб, ҳар тупи 2-3 тадан сўта бойлади.

Шу кунларда бригада даласида иш авжида. Маккажўхорикорлар силос бостиришни қизғин давом эттирмоқдалар. Сергайрат колхозчилар ўрим-йиғим ишини тезроқ тугаллаб, маккажўхорини қайта экишга киришиш учун пухта тайёргарлик кўраётирлар. Ҳозирга қадар колхозда беш юз тоннадан зиёдроқ силос бостирилди.

Колхоз маккажўхорикорларининг ҳиммати катта. Улар ҳар гектар ердан 800 центнер ўрнига 1200 центнердан пахта ҳосили етиштиришни керак. Лекин, ҳозир амалга оширилаётган ишлар бу мажбуриятга мутлақо жавоб бера олмайди. Колхоз раҳбарлари ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, парваришнинг сусайиб кетишига йўл қўймоқдалар.

Мўл ҳосил учун курашни сусайтирмайлик

БЕКОБОДДАН КЕЛГАН ХАТЛАР

Бекободлик пахтакорлар шу кеча-кундузда рўй бераётган қувончли воқеалардан мамнун бўлиб, пахтазорларда мўлжалдаги ҳосилни тўплаш учун курашни тобора қизитмоқдалар. Бу ҳақда шу районлик қишлоқ мухбирларимиз кўплаб ҳабарлар ёзиб юборишган.

Ленин номли колхозда 50 кишидан иборат пахтакорларга ёрдам бригадаси тузилди. Бригадага колхоз партия ташкилотининг секретари А. Мўминов бошчилик қиляпти.

Ёрдам бригадасининг аъзолари ҳозиргача 100 гектардан ортиқ майдондаги ғўзаларни ўтдан тозаладилар. Х. Усмонов, Т. Тошматов, Н. Раҳимов ўртоқлар кунлик нормаларини икки ҳиссага етказиб адо этяптилар. Актив қишлоқ мухбиримиз М. Мирзаев ўз хабарида ана шуларни баён қилган.

1-«Далварзин» совхозининг,—деб ёзади ўртоқ К. Бегмонов,—марказий агроучасткаси ишчилари шу кунгача ғўза қатор ораларида узунасига ва кўндалангига тўрт марта сифатли культивация ўтказдилар.

Шу районда яшовчи Е. Ҳасанов, Ф. Зиёдуллаев, Н. Норбўтаев, Р. Юнусалиев каби ўртоқлар ҳам бизга ёзиб юборган хабарларида райондаги илғор бригадаларнинг далаларида ғўза парвариши сусайтирмай олиб борилаётгани ҳақида хабар қилишган.

Ўртоқ Ж. Шаропов эса Дзержинский номли колхозда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳақида батафсил ёзган. Колхоз бу йил 2600 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан пахта ҳосили етиштириши керак. Лекин, ҳозир амалга оширилаётган ишлар бу мажбуриятга мутлақо жавоб бера олмайди. Колхоз раҳбарлари ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, парваришнинг сусайиб кетишига йўл қўймоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ВАТАНГА СИФАТЛИ ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК!

КПСС Программаси проекти совет кишиларининг қувонч ва Ватанимизнинг келажаги учун ифтихор ҳисларини янада кучайтирди ва уларни коммунизм қурилишида янги улуғвор ишларга илҳомлантирмоқда.

Республиканинг атоқли пахтакорлари Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳаким Қодиров КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун интилмоқдалар. Улар москвалликларнинг жаҳонда энг аъло сифатли ва чидамли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўғрисидаги чақириқларига қўшилиб, ҳосилнинг камида 80 — 85 процентини давлатга биринчи сорт билан сотиш мажбуриятини олдилар.

Чиноз пахта заводининг «Пахта» пахта тайёрлаш пункти ва Пискент пахта заводи ҳузуридаги тайёрлаш пунктларининг коллективлари Т. Охунова ва Ҳ. Қодиров бригадаларига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда, хусусан далаларни ва моддий техника базасини машина теримига тайёрлашда, теримчиларга инструктаж беришда, нобудгарчиликнинг олдини олишда ҳар тарафлама ёрдам қилишга сўз бердилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети республиканинг атоқли пахтакорлари Турсуной Охунова билан Ҳаким Қодировнинг кўрсатган қимматли ташаббусини маъқуллади ҳамда область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Халқ хўжалиги кенгаши, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, Совхозлар бош бошқармаси ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети зиммасига бу ташаббусни қўллаб қувватлаш ҳамда оммалаштириш, нуқул сифатли пахта териб, давлатга юқори сифатли пахта топшириш учун социалистик мусобақани авж олдиришда колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

„ТАШАВТОМАШ" ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИНИНГ МАКТУБИ

Ўзбекистоннинг серҳосил далаларида етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишнинг қизғин давлари яқинлашиб келмоқда. «Она — Ватанга 3 миллион 200 минг тонна пахта етказиб берамиз!»—республикамиз пахтакорларининг бу йилги социалистик мажбуриятлари ана шундай. Бу аҳднинг устидан чиқиш — қўшни республикамиздаги ҳамма меҳнаткашларнинг интернационал бурчидир.

Баҳорда, биз, ўз коллективларимизда Ўзбекистон меҳнаткашларининг етти йилликнинг учинчи йилида зиммаларига олган мажбуриятларини муҳокама қилган эдик. Ўшанда кўпчилигимиз—завод мутахассислари, ишчилари, хизматчилари ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда «ХВС—1,2» пахта териш машинасининг механик ҳайдовчиси касбини эгаллаш, областимиз пахтакорларига йиғим-теримнинг авжи қизғин пайтида яқиндан ёрдам беришга қарор қилган эдик.

Бугун биз область партия комитетига ўз сўзимизнинг устидан чиққанлигимиз ҳақида рапорт берамиз. Имтиҳон комиссиясининг 7 августдаги қарорига мувофиқ ҳаммамизга пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари деган ном берилди.

Область партия комитетидан бизни областнинг истаган районига юборишларини илтимос қиламиз. Биз пахтакорлар етиштирган ҳосилни ложа борича тезроқ ва сифатли қилиб йиғиб-териб олиш, пахта тайёрлаш бўйича олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга ўзимизнинг бор кучимизни сарфлаймиз деб, область партия комитетини ишонтирамиз. Бу бизнинг КПСС XXII съездига туҳфамиз бўлади.

«Ташавтомаш» заводининг ходимлари: слесарь—П. Ю. АБДУРАҲМОНОВ, Д. П. БУГРИМОВ, М. З. БРУСКОВ, И. О. ГОЛОВАЧЕВ, В. С. ИЗОТОВ, В. И. ЖИРОВ, Я. М. САУШКИН, Б. А. ЗЕМЛЯНОВ, Н. К. ШАРОФИДДИНОВ, мастерлар — Ю. Н. ШЕЛЕПОВ, Д. ШОМИРЗАЕВ, М. Н. ПОЖИДАЕВ, шофер—Т. АНОРБОЕВ, тракторчилар—Б. УРИНБОЕВ, Ф. РУСТАМОВ, Т. МИРХАИДАРОВ, электр пайвандловчилар—А. И. КОРОБКО, В. Д. СУХОЕ, конструкторлар — В. Г. ВИПРИЦКИЙ, Р. А. КАИПОВ.

КПСС Программа ва Устави проектлари муҳокамада

ЯНГИ КИШИНИ МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

<>

Совет кишилари партия ва халқнинг бахт-саодати йўлида, тинчлик ва коммунизм йўлида ижодий меҳнат қилишни ўз ҳаётининг мақсади ва ҳусни деб, илҳом ва ижодий қувончнинг абадий тугалмас манбаи деб биладилар. 17 августда бўлиб ўтган шаҳар партия, совет активи йиғилиши Тошкент партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг кишиларни меҳнат жараёнида тарбиялаш ҳамда текинхўрлик фактларига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги ишларини яхшилаш масалаларига бағишланган эди. Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Мурталоев доклад қилди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилдики, республика пойтахтининг партия ва жамоат ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялаш учун кўп иш қилмоқдалар. Етти йиллик топшириқларни бажаришда, КПСС XXII съездига тайёргарлик кўришда эришилган муваффақиятлар ана шу ишнинг бевосита натижасидир. КПСС Программаси ва Уставининг проектлари, мамлакатимизда коммунизм қурилишининг партия белгилаб берган улуғвор перспективалари Тошкент меҳнаткашларининг ижодий активлигига таяниб, ҳисобот даврида саноатга, қишлоқ хўжалигига ва маданий қурилишга рақобарликни анча яхшилади. Бошланғич партия ташкилотлари саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан яқиндан шуғулланадиган бўлиб қолдилар.

Шу туфайли район саноат корхоналари 1961 йил ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 106 процент қилиб бажардилар.

Партия XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга отланган қишлоқ меҳнаткашлари социалистик мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кўпчилик хўжаликлар эртаги экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача район бўйича ҳар гектар сабзавотдан 19,2 тоннадан, картошкадан 11,3 тоннадан ҳосил олинди. Сталин номли. Собир Раҳимов номли, Ленин номли, «Коммунизм», Охунбобоев номли ва «Партия XX съезди» колхозлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш ярим йиллик планини оширib бажардилар. Конференцияда сўзга чиққан «Коммунизм» колхози қўйчилик фермасининг мудири А. Бакирхўжаевнинг сўзи диққат билан тингланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишлари бир мунча яхшиланди, партиявий-ташкилий ишлар савияси анча кўтарилди ва партия ички демократияси кенгайди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан делегатлар ана шу ютуқларни қайд қилиш билан бирга, ишдаги баъзибир камчиликларни ҳам очиб ташладилар.

Райондаги баъзи саноат корхоналари маҳсулотнинг айрим турлари бўйича белгиланган планни бажармадилар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати талабга жавоб бермайди.

Колхоз ва совхозлар экин планини умуман бажарган бўлсалар ҳам, бироқ айрим асосий экин турлари бўйича белгиланган план бажарилмади. Кўпчилик колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликда комплекс механизацияни жорий этишга етарли эътибор берилмаётир. Энг муҳим камчилик шундаки, шу кунларда давлатга картошка, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар маҳсулотини сотиш суръати паст, Айниқса Куйбишев номли, «Октябрь», «Ленинизм», «Москва» колхозлари, «Тошкент» ва«Бўстсув» совхозларида давлатга маҳсулот сотиш топшириғи ёмон бажарилмоқда.

Конференцияда идеология ишлари, мактаб ва маориф, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги, шунингдек маҳаллий Советлар фаолиятидаги камчиликлар ҳам очиб ташланди.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди ва район партия комитетининг янги составини сайлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида А. П. Алимов район партия комитетининг биринчи секретари, М. А. Тершукова ва Р. Р. Альжонов ўртоқлар район партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ОДАТИ

Кишиларнинг ҳаёти ва тараққиёти учун керакли нарсаларнинг ҳаммасини меҳнат яратади. Шу сабабдан ҳар бир киши ўз ҳаёти ва фаолияти учун, жамият фаровонлиги учун зарур бўлган воситаларни яратишда иштирок қилиши керак. Меҳнат қилмай, жамиятдан ҳар қандай неъматлар оладиган киши текинхўр бўлиб қолур ва бошқаларнинг ҳисобига яшаган бўлур эди.

Коммунистик жамиятда киши меҳнат қилмаслиги мумкин эмас. Унинг онги ҳам, жамоатчилик фикри ҳам бунга йўл қўймайди. Қобилиятига яраша меҳнат қилиш жамиятнинг барча аъзоларининг одати, биринчи ҳаётий эҳтиёжи бўлиб қолади.

КПСС Программаси проектидан.

Дарсликлар тиражи тўққиз миллионга етди

Ўзбекистон мактаблари учун чиқарилаётган дарсликлар тиражи бу йил тўққиз миллионга етди,— деди республика «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриётининг директори В. К. Валиев Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда.

Дарсликларни нашр этиш ўтган йилдан бошлаб айниқса тез ўса бошлади. Ўтган йили уларнинг тиражи бирданига уч миллион донага кўпайди. Бу эса Коммунистик партиянинг халқ маорифи тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг натижасидир. Ўқитишнинг янги программаси муносабати билан дарсликларни тезда қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Биринчи синфдан 7-синфгача бўлган дарсликлар ҳозирдаёқ қайта кўриб чиқилди.

Бу йил республика ўқувчилари 34 номда янги оригинал китоблар оладилар. Нашриёт планида полиграфия техникаси таълими учун ёрдамчи материаллар катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ССР Конституцияси, табииётшунослик, Ўзбекистон тарихи, республика иқтисодий географияси биринчи марта ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Музика таълими бўйича қўлланма ҳам биринчи марта чиқарилди.

Эндиликда нашриёт 118 номда дарсликларни чиқармоқда. Лекин унинг иши дарсликлар чиқариш билангина чекланмайди. Бу йил турли методик адабиёт, программалар, жадваллар бир миллиондан кўпроқ тираж билан нашр этилди.

1964 йилга бориб нашр этиладиган дарсликлар тиражи ўн бир миллион нусхани ташкил этади.

Юзида табассум, ўзининг фаровон ҳаётидан мамнунлик, хурсандчилик аломатлари барқ ураётган бу қиз Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси Мавжуда Мирабдуллаева. У ҳақиқий бахтини топгани минглаб ўзбек аёлларимизнинг бири. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программаси проектини ўқиб чиқар экан ўзининг келажаги янада порлоқ бўлишидан қалби қувончларга тўлди. У Коммунистик партиянинг совет халқи бахт-саодати йўлида қилаётган олийжаноб ғамхўрлигига жавобан янада унумли ишлашга бел боғлади. Озод меҳнат нашъасини сураётган Мавжуда Мирабдуллаева смена нормасини бир ярим баравардан ошириб ишламоқда.

А. Тўраев фотоси.

ШАХТЁР БАСКАКОВНИНГ ТЎҚҚИЗ ҲУНАРИ

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). Оҳангарондаги 9-шахтанинг ёш шахтери комсомол аъзоси Владимир Баскаков тўққиз ҳунарни мукаммал ўрганиб олди. У проходкачи ва забой тозаловчи ишчи, ёғоч етказиб берувчи ва мустаҳкамловчи, электр слесарь ва от катқачи, портлатувчи ва моторист вазифаларини бир хил маҳорат билан бажармоқда.

Яқинда Владимир бир группа оҳангаронлик кончилар билан биргаликда «Тулауголь» комбинатининг шахталарига бориб келди. Бу ерда у яна бир касбни «Мосбасс» типидаги кўчма механизациялаштирилган крепни монтаж қилишни ўрганди. В. Баскаков шахтёрлар кунигача икки ўртоғига янги ҳунар ўргатиш мажбуриятини олди.

Ҳозир шахтадаги 500 дан ортиқ кончи олти-етти ҳунарни ўрганиб олган. Шахтерлардан ҳар уч кишидан бири малака ошириш курсида ўқимоқда.

100 гектар ердаги пахта машинада терилади

Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Абдураҳмон Ҳакимов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 169 гектар ерда «оқ олтин» ҳосили етиштираяптилар. Баҳорда 100 гектар ерга квадрат-уяларо чигит экилган эди. Ана шу майдон машина теримига ажратилиб, унинг ғўзалари бутун вегитация давомида машина теримига мослаб парвариш қилинди.

Шу кунларда барча майдонларда ғўза парвариши давом этяпти. Бригада аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ғўза парваришини бўшаштирмай, йиғим-теримга пухта тайёрланиш тўғрисидаги қарорига асосан ишни қизитиб юбордилар. Бригаданинг машина теримига ажратилган далаларида иш яна ҳам яхши давом эттир. Пахтакорлар бу йил бригада бўйича 169 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 26,5 ўрнига 28 центнердан ҳосил етиштириб, давлатга КПСС XXII съезди очиладиган кунга қадар 462 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганлар.

Қ. АЗИМОВ.

Сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўл бўлсин

(КАЛИНИН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

<>

Мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг буюк истиқболларини ўзида мужассамлантирган КПСС янги Программаси ва партиямиз янги Устави проектларини бутун совет халқи сингари Калинин район меҳнаткашлари ҳам зўр мамнуният билан қарши олдилар. Яқинда бўлиб ўтган район партия конференциясида ҳам КПСС янги Программаси ва партия Устави проектлари делегатларнинг диққат марказида бўлди.

Конференцияда Тошкент область партия комитетининг секретари Х. Р. Мусаҳонова Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проекти тўғрисида ва район партия комитетининг секретари М. А. Тершукова КПСС Устави проекти тўғрисида доклад қилдилар.

Музокарада биринчи бўлиб сўзга чиққан Навоий номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Бўронбоев бундай деди:

— Она-Ватанимиз тараққиётининг ажойиб истиқболларини белгилаб берган муҳим тарихий ҳужжатларни колхозимиз меҳнаткашлари ва коммунистлари қизғин маъқулламоқдалар. Янги Программа коммунистларни, бутун меҳнаткашларни улуғ ишларга илҳомлантиради. Партиямизнинг янги Устави партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиради, улар олдига коммунистик жамият қуриш билан боғлиқ бўлган янги вазифаларни қўяди. Колхозимиз аъзолари янги Программа ва Устав проектларида олға сурилган вазифаларни бажариш мақсадида колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун курашни қизитиб юбордилар.

— Буюк тарихий ҳужжатлар қишлоқ меҳнаткашларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди, — деди Охунбобоев номли колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ М. Юнусова.—Колхозда давлатга гўшт сотиш плани ҳозиргача 80,5 процент, сут — 60 процент, тухум — 104 процент, пилла — 118 процент бажарилди. Давлатга сабзавот ва картошка сотиш бўйича олган мажбуриятимизни партия XXII съезди очиладиган кунгача бажарамиз.

Конференцияда район партия комитетининг биринчи секретари А. П. Алимов ҳисобот доклади қилди.

Район партия ташкилоти оммасининг ижодий активлигига таянib, ҳисобот даврида саноатга, қишлоқ хўжалигига ва маданий қурилишга рақобарликни анча яхшилади. Бошланғич партия ташкилотлари саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан яқиндан шуғулланадиган бўлиб қолдилар.

Шу туфайли район саноат корхоналари 1961 йил ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 106 процент қилиб бажардилар.

Партия XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга отланган қишлоқ меҳнаткашлари социалистик мажбуриятни бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Кўпчилик хўжаликлар эртаги экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача район бўйича ҳар гектар сабзавотдан 19,2 тоннадан, картошкадан 11,3 тоннадан ҳосил олинди. Сталин номли. Собир Раҳимов номли, Ленин номли, «Коммунизм», Охунбобоев номли ва «Партия XX съезди» колхозлари яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Кўпчилик колхоз ва совхозлар чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш ярим йиллик планини оширib бажардилар. Конференцияда сўзга чиққан «Коммунизм» колхози қўйчилик фермасининг мудири А. Бакирхўжаевнинг сўзи диққат билан тингланди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишлари бир мунча яхшиланди, партиявий-ташкилий ишлар савияси анча кўтарилди ва партия ички демократияси кенгайди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан делегатлар ана шу ютуқларни қайд қилиш билан бирга, ишдаги баъзибир камчиликларни ҳам очиб ташладилар.

Райондаги баъзи саноат корхоналари маҳсулотнинг айрим турлари бўйича белгиланган планни бажармадилар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати талабга жавоб бермайди.

Колхоз ва совхозлар экин планини умуман бажарган бўлсалар ҳам, бироқ айрим асосий экин турлари бўйича белгиланган план бажарилмади. Кўпчилик колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликда комплекс механизацияни жорий этишга етарли эътибор берилмаётир. Энг муҳим камчилик шундаки, шу кунларда давлатга картошка, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар маҳсулотини сотиш суръати паст, Айниқса Куйбишев номли, «Октябрь», «Ленинизм», «Москва» колхозлари, «Тошкент» ва«Бўстсув» совхозларида давлатга маҳсулот сотиш топшириғи ёмон бажарилмоқда.

Конференцияда идеология ишлари, мактаб ва маориф, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳаларидаги, шунингдек маҳаллий Советлар фаолиятидаги камчиликлар ҳам очиб ташланди.

Конференция муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди ва район партия комитетининг янги составини сайлади.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида А. П. Алимов район партия комитетининг биринчи секретари, М. А. Тершукова ва Р. Р. Альжонов ўртоқлар район партия комитетининг секретарлари қилиб сайландилар.

КПСС УСТАВИ — ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ

30 июлда матбуотда КПСС Программасининг проекти, орадан беш кун ўтгач эса, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставининг проекти эълон қилинди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми томонидан маъқулланган Устав проекти ҳамманинг танишиб чиқиши ва партиянинг барча аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларнинг муҳокама қилишлари учун эълон қилинди.

КПСС Программаси ва Устави — бу Коммунистик партия ўзининг бутун фаолиятида амал қиладиган асосий ҳужжатлардир. Партия бу ҳужжатларсиз совет халқининг илғор ва уюшган отряди бўлиши мумкин эмас.

КПСС Программаси ва Устави ўртасида ажралмас, органик бирлик бор. Устав партия ҳаётининг ва партия ички конституциясининг асосий қонуни сифатида, бевосита Программадан келиб чиқади. У партиянинг ташкилий тузилиш формаларини, унинг амалий фаолиятининг воситаларини, партия ички ҳаётининг асосий қоидаларини белгилайди, ана шу формалар, воситалар ва қоидалар ёрдами билан Программада кўйилган вазифаларни ҳал қилиш, кўзланган мақсад томон муваффақиятли ҳаракат қилиш мумкин. Ҳар икки ҳужжат марксизм-ленинизмнинг метиндек асосига қурилган, унинг дахлсиз принципларига асосланган.

Программа проектида айтилганидек, коммунизм қурилишининг кенг авж олдирилган даврига партиянинг ўзининг ривожланишидаги, унинг сиёсий, идеологик ва ташкилий ишидаги янги, янада юксакроқ босқич мувофиқ келади. Партиямиз партия қурилишининг ва партия ишининг бирор тарзда узил-кесил белгилаб берилган формалари ҳамда методларига амал қилмайди. Унинг ички партия ҳаёти ва иш методлари сўзсиз равишда тарихий босқичнинг хусусиятлари ва ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар билан белгиланади. Программанинг ўзгартирилиши сўзсиз равишда Уставнинг ҳам ўзгартирилишига, партия қурилишининг янги формаларини ва партия ишининг янги методларини ишлаб чиқишга олиб келади.

Партия Уставини Программага нисбатан оператив роқ ҳужжат деб айтиш мумкин. Шароит ва янги вазифаларга мувофиқ, гарчи Программа илгаригисича қолса ҳам, Устав кўп даражада ўзгариши ва унга қўшимчалар киритилиши мумкин. Масол учун, октябргача бўлган даврдаги ҳар бир съездда ва 1917 йил октябридан кейин беш марта ўтказилган съездларда Уставга ўзгартишлар киритилгани ҳолда, партиямиз бутун ўз тарихи давомида икки марта Программа қабул қилгандиги маълум. Бу тушунарли. Программа талаблари, ҳали улар бажарилмаган экан, ўзгартирилмасдан қолаберади, ички партия ҳаётининг ташкилий формалари эса конкрет тарихий шароитларга мувофиқ тарзда ўзгариб бориши лозим.

Партиянинг роли нақадар ўсганлиги, унинг вазифалари қийинлашганлиги ва ўзгарганлиги Уставга киритилаётган тузатишлар, қўшимчалар характеридан кўриниб турибди. Чунончи, КПСС XIX съезди Уставга муҳим ўзгартишлар ва қўшимчалар киритган эди. Н. С. Хрушчев съездда қилган докладида ана шу ўзгартишларнинг сабабларини тушунтириб, бундай деган эди: «Ўтдимизда турган вазифалар партия ташкилотларига, барча коммунистларга янада юксакроқ талаблар қўймоқда, ана шу талаблар партия иши ва партия қурилишининг тажрибасида ҳисобга олиниши лозим».

Съезд бу ўзгартишларни ҳисобга олди, партияга янги ном берди, унинг коммунистик қурилишнинг янги босқичидаги вазифаларини, партия ташкилотлари ва барча коммунистларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб берди. Уставда партия аъзолигига кандидатлар тўғрисидаги пункт янгича талқин қилиб берилди ва ҳоказолар. КПСС XX съезди ҳам Уставга баъзи бир ўзгартишлар киритди.

Шундан буён орадан кўп вақт ўтгани йўқ ва шунга қарамай партия ўз Уставини яна ўзгартиришга қарор қилди. Бунинг сабаби шундан иборатки, кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётнинг барча соҳаларида буюк муваффақиятларга эришди. Партиянинг XXI съезди ССРР коммунистик қурилишнинг кенг авж олдирилган даврига кирганлигини билдирди. Шу муносабат билан партиянинг раҳбарлик ва ташкилотчилик роли янада кўпроқ ошди. КПСС чинакам халқ партияси, совет халқининг илғор отряди бўлиб қолди. Шу давр мобайнида партия қурилишида жуда катта тажриба тўпланди, партия ишининг янги формалари юзага келди ва эътироф этилди. Бироқ, энг муҳими шу бўлдики, партия иккинчи Программани муваффақиятли бажарди ва у янги Программага эга бўлиши лозим. Учинчи Программа, унинг проектидан маълум бўлишича, мамлакатимизда коммунизм қуришга мўлжалланган.

Буларнинг ҳаммаси ташкилий формаларда, партия фаолияти ва партия қурилишининг методларида ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас. Устав проекти тўпланган тажрибани ҳисобга олади, тарихий вазиятнинг ва янги Программанинг талабларига жавоб беради. У коммунистик ҳаракат тарихида биринчи марта ўлароқ, коммунистик жамият амалий равишда қуриладиган яқин давр учун ички партия ҳаёти ташкилий форма ва методларини белгилаб беради.

КПСС Марказий Комитети янги Устав проектини ишлаб чиққанда ленинча асосий ташкилий принципларга амал қилди. Проектда коммунистик жамият қурувчи халқнинг илғор отряди бўлган партия тўғрисидаги энг муҳим программ қоидалар аниқ ифодаланган. Унда партия қурилишининг бой тажрибаси ижодий тарзда умумлаштирилган, янги вазифалар ҳисобга олинган, партиянинг ташкилий тузилиши, унинг ички ҳаётининг асосий қоидалари, амалий фаолиятининг воситалари, формалари ва методлари белгилаб берилган.

Устав проектида партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади, деб кўрсатилган. Партия совет халқининг улуғ яратувчилик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг оқибат мақсад—коммунизмга эришиш учун курашига уюшганлик, планли, илмий жиҳатдан асосланган характер беради. Проектда партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлиги ҳақидаги ленинча қоида алоҳида таъкидланган ва ривожлантирилган: «Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми—КПСС ҳаётининг бузилмас қонунидир. Фракциячилик ва группабозликнинг ҳар қандай кўриниши марксча-ленинча партиявийликка хилоф бўлиб, бундай қилган киши партия сафларида бўлиши мумкин эмас».

Ҳозир амалда бўлган Устав каби, янги Уставнинг проекти ҳам партияни, унинг Совет давлати ва жамиятидаги ўрни ҳамда ролини қисқача белгилашдан бошланади. Унда Программа қоидаларига аниқ мос келадиган тарзда партияга янгича изоҳ берилади. «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, — дейилади проектда, — совет халқининг СССР ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва интеллигенциясининг илғор, энг онгли қисмини ихтиёрий асосларда бирлаштирувчи жанговар синалган авангардидир.

В. И. Ленин ишчилар синфининг илғор отряди сифатида асос солган Коммунистик партия шонли қураш йўлини босиб ўтди, ишчилар синфини ва меҳнаткаш деҳқонларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасига, СССРда пролетариат диктатурасининг ўрнатилишига олиб келди. Коммунистик партия раҳбарлиги остида Совет Иттифоқида эксплуататор синфлар тугатилди, совет жамиятининг маънавий ва сиёсий бирлиги таркиб топди ва мустаҳкамланди. Социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилди. Коммунистик партия, ишчилар синфининг партияси эндиликда бутун совет халқининг партияси бўлиб қолди».

Партия мисли кўрилмаган қисқа муддатларда коммунизм қурилишнинг гигант вазифасини қўяётган ҳозирги шароитда партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигининг моҳияти янада ошади. КПСС марксизм-ленинизмга мутлақо ёт бўлган ревизионизм ва догматизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб бормоқда.

Партиянинг жипслиги, уюшганлиги ва жанговарлиги, даставвал унинг шахсий составига, партиянинг ҳар бир аъзоси унинг сиёсати учун қай даражада актив курашишига боғлиқдир. «Бизнинг вазифамиз,— деган эди Ленин РСДРПнинг II съездида Устав муҳокама қилинган вақтда, — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва аҳамиятини юқори ва яна юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим...» (Асарлар, 6-том, 540-бет). Шу сабабли партия ўз сафларининг софлиги, ўз составини яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. II съезддаёқ В. И. Ленин ким партия аъзоси бўладади, деган саволга классик жавоб берган эди. Жамиятни қайта қуриш вазифалари қийинлашган сари партиянинг роли ҳам ўсиб борди, партия аъзоларига нисбатан талаб ошиб борди. Шу муносабат билан Уставнинг биринчи параграфи ўзгариб ва тўлдириб борилди. Бироқ партия аъзолигининг ленинча принципи ўзгармай қолаберди. Уянги Уставнинг проектида ҳам тўла сақланган. «Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик бадаллarini тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани, — дейилади Уставда, — КПСС аъзоси бўла олади».

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

КОММУНИЗМ ҚУРУВЧИСИНИНГ АХЛОҚ КОДЕКСИ

қуйидаги ахлоқий принципларни ўз ичига олади:

— коммунизм ишига садоқат, социалистик Ватанга, социализм мамлакатларига муҳаббат;

— жамият бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: ишламаган тишламайди;

— жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши;

— ижтимоий бурчни яхши англаш, жамият манфаатларининг бузилишига асло йўл қўймаслик;

— коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун;

— кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурмат: киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар;

— жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқий софдиллик, оддийлик ва камтарлик;

— оилада ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

— адолатсизликка, текинхўрликка, виждонсизликка, мансабпарастликка муросасизлик;

— СССРдаги барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги, миллий ва ирқий адоватларга асло йўл қўймаслик;

— коммунизмнинг, тинчлик ва халқлар озодлиги ишининг душманларига муросасизлик;

— ҳамма мамлакат меҳнаткашлари билан, ҳамма халқлар билан қардошларча бирдамлик.

(КПСС Программаси проектидан)

ДЎСТЛИКДАДИР БИЗНИНГ КУЧИМИЗ

Тошкент ва Иваново тўқимачилари ўртасидаги социалистик мусобақа рус ва ўзбек ишчилари самимий дўстлигининг, ижодий ҳамкорлигининг ёрқин ифодасига айланди. Суратда: Ивановолик тўқимачилар Тошкент тўқимачилик комбинати новатори Садди Пўлатова билан суҳбатда.

АҲИЛЛИКНИНГ «СИРИ»

Баъзи ота-оналар «болаларимиз бир-бири билан тез-тез жанжаллашиб туришади, кичиги каттасини ҳурмат қилишни билмайди» деб нолиб қолишади. Мен шу ота-оналарга оилада фарзандларнинг бир-бири билан аҳил яшаши, бир-бири билан иззатда, ҳурматда бўлиши учун нималарга эътибор бериш ҳақида икки оғиз гап айтмоқчиман.

Оилада ота-она бир-бири билан аҳил яшамоғи ва бир-бирини жуда ҳурмат қилмоғи керак. Болалар тақлидчи бўлади. Катталар ҳаракати, сўзини ўзи такрорлашни яхши кўради. Сизнинг ҳар бир муомилангиз, ҳаракатингиз болага ибрат бўлади. Болани жуда ёшликданоқ ростгўй ва софдил қилиб тарбиялаш керак. Икки фарзандингиз бир-бири билан чиқишмай қолган пайтда жанжалнинг сабабини аниқлаб, сўнгра ким ҳақ, ким ноҳақлигига қараб ҳукм чиқариш керак. Кўпинча мана шунга эътибор берилмайди-да болани бегуноҳ жазолаб унинг иззат нафсига тегилади. Натижада болада катталарга ҳурмат билан қараш ҳиссиётига путур етади.

Менинг 11 фарзандим бор. Улар бир-бири билан жуда иноқ. Ишда, ўқишда, уй юмушида бири иккинчисига ўрнак. Катта қизим Гулнора колхоз аъзоси, Гафурим эса завод ишчиси, ишлаб туриб ТашГУнинг кечки бўлимида ўқияпти. Кичикларим мактаб ва болалар боғчасида тарбияланишмоқда. Улар бир-бирларини жуда севишади, ҳурмат қилишади. Менга бўлса улар ҳаммаси энг яхши кўмакчи. Шунинг учундир мен 20 йилдан бери ўқитувчилик вазифасида узлуксиз ишлаб келмоқдаман.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандида энг яхши фазилатларни тарбиялаб вояга етказсин. КПСС Программаси проекти биздан шуни талаб этмоқда.

Марҳамат РИХСИЕВА,
Калинин районидаги 44-мактаб ўқитувчиси, Қаҳрамон она.

НАФРАТ ВА ШАФҚАТ

— Қандай жамиятда яшаяпмиз? Сарибойга берилган биринчи савол шу бўлди.

— Коммунизм қураяпмиз, — овозни чиқар-чиқмас пичирлаб жавоб берди Сарибой.

— Ҳа баракалла. Жамиятимизнинг ишламаган тишламайди деган қонунини ҳам яхши биласиз, тўғримми?

Сарибойдан садо чиқмади.

— Хўш, нега сиз ишдан бўйин товлайсиз? Ёки бошқалардан камчилик ерингиз борми?

Сарибой бу саволга ўгириб жавоб берди:

— Ким ишламабди? Ишлаганман, ишонмасаларинг бухгалтерия дафтарини текширинг кўринглар.

— Тўрт ой мобайнида атиги 17 кун ишлабсиз. Шуни инсофдан деса бўладими?— Мажлисга раислик қилувчи Қўйлиқ поселка Советининг раиси Зиёев айбдорни фактлар билан ишониб қўйди.

— Ўринигизга ҳали қўлидан иш келмайдиган синглингизни чиқариб қўйибсиз-а, совхоз ишчиларини, маъмуриятини, қолаверса халқни алдашга, кўзбўямачилик қилишга уялмадингизми? Ўз шахсий манфаатингизни ўйлаб, бозорма-бозор кезиб юрасиз-у, яна бу ерда виждонингизни ютиб, ишлаганман, дейсиз-а.

Йиғилишда сўзга чиққан пенсионер, гражданлар урушининг ветерани, 1918 йилдан бери КПСС аъзоси ўртоқ С. Тошхўжаев Сарибойнинг текинхўрлик йўлига ўтиб олганлигини, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, халқнинг юзига оёқ тираётганини қаттиқ қоралади.

— Бундай ўз шахсий манфаати учун мужассидан кетган кишига ҳамма нафрат билан қарайди, — деди ота ўз сўзининг охирида.

Оржоникидзе район Қўйлиқ поселка Советининг «Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамият учун зарарли, текинхўрларча кун кўрувчи шахсларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг чиқарган Фармонини муҳокама қилишга бағишланган сессияси ана шундай қизғин ўтди.

Катта йиғин қатнашчилари юқоридаги Фармонга мувофиқ Сарибой Анорбоевни уч йил муддат билан махсус белгиланган жойга кўчириб юборишни таклиф қилдилар. Ана шунда Сарибойнинг шахсий манфаат пардалари қоплаб олган кўзларидан ёш томчилари думалади. Халқ нафратига бардош беролмаган Сарибой Анорбоев ўз айбини бўйнига олишга мажбур бўлди. Кўпчилик олдида эртадан бошлаб бир соат ҳам ишдан қолмасликка сўз берди. Сессия қатнашчилари унинг қатъий берган сўзини ҳисобга олиб, кекса отаонасининг ҳурмати ва бўлим ишчиларидан бир неча кишининг кафилликка ўтганини назарда тутиб, Сарибойни синаш муддати билан совхозда қолдиришга қарор қилдилар.

Район меҳнаткашлари коммунизм қурувчиларининг ахлоқ кодексини бузувчиларга қарши актив курашмоқдалар. Жумладан, «XXI партсъезд» совхозининг 20 та бригадасида йиғилиш ўтказилди. Совхоз ишчилари бу йиғилишларда активлик кўрсатиб, ораларида ишламай, чайқовчилик қилиб юрган шахсларни фош қилиб ташладилар. Бундай шахслар бирма-бир рўйхатга олинди. Уларнинг кўпчилиги йиғилиш қатнашчилари орасида изза қилинди.

Ҳозир Оржоникидзе районининг ҳар бир колхоз, совхоз ва маҳаллаларида **ишламаган тишламайди**, деган шиор остида текинхўрларга қарши кураш авж олиб кетди. Соф виждонли кишилар бундай шахсларнинг қилмишларини нафрат билан қоралаб, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортаётирлар.

Н. ТОЖИБОЕВ.

КЕЛАЖАК КИШИЛАРИ

Мамлакатимизнинг бундан кейинги 20 йил давомидаги тараққиёт йўли белгиланган КПСС Программаси проектини ўрганиб чиқар экансан, совет кишисининг коммунистик жамият кишисига хос бўлган ахлоқи ҳозирги кундаёқ шаклланаётганлиги ҳақидаги фикрдан мамнун бўлдим. Партиямиз томонидан таърифланган коммунизм бунёд этувчисининг ахлоқ кодекси принципларига бошқа жойлардаги каби бизнинг корхонамизда ҳам амал қилинаётир.

Фикримнинг далили учун шундай мисол келтирмоқчиман. Цехимизнинг Вадим Иванович Мельников раҳбарлигидаги коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг ҳар бирида ана шундай ахлоқ кодекси принципларини ҳозирдаёқ шаклланган. Бригада аъзоларининг ҳаммаси бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилишлари, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам, БИР КИШИ ҲАММА УЧУН, ҲАММА БИР КИШИ УЧУН принципларини намойиш қилмоқдалар.

Бригада ҳақиқатан ҳам коммунистик тарбия мактабига айланган. Бир даврлар ўз манфаатини коллектив манфаатидан юқори қўювчи, ҳамкасбларига ёмон муносабатда бўлувчи, ахлоқсизлик қиладиган ишчилар бригада аъзоларининг таъсирида, ёрдамида ўз хулқ-атворларини тубдан ўзгартиришди. Бригада аъзоларидан Шавкат Мавлудов, Мансур Мифтахутдиновлар ўз вазифаларига бефарқ қарашар, ҳамкасбларининг йўл-йўриқларига панд-насиҳатларига писанд қилмас эди. Бригадада улардаги совет кишисига ёт бу одатлар астасекин йўқола бошлади. Улар кўп ўтмай меҳнатда, хулқ-атворда кўпчиликка ўрнак кўрсатадиган бўлиб қолишди.

Бригада аъзолари фақатгина меҳнатда ва хулқ-атворда намуна кўрсатибгина қолмай, ўз билим доираларини кенгайтириш, малакаларини оширишда, нажодий изланишда ҳам ўрнак бўлишмоқда. Улар унумли меҳнат қилиш билан бирга оғир иш жараёнларини механизациялашга ёрдам беришмоқда. Бригада аъзолари томонидан киритилган бир қанча рационализаторлик таклифлари пахта териш машиналари қисмларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлади.

Бригада аъзоларининг яна бир ажойиб хусусиятлари бор. Келажак разведкачилари ўзлари меҳнат қилаётган пролетга хизмат ҳам кўрсатишади. Бу ерда уюшқоқлик ишламайди. Иш жойларини ўзлари тозалашади. Аста-секин созловчи ва ремонтчилар хизматидан ҳам воз кечишаяпти. Ҳа демай контролерсиз ишлашга ўтишади. Бунинг учун улар малака ошириш курсларида ўқимоқдалар.

Бригадада фақат ёшлар ишлайди. Улар 16 киши бўлиб, 8 миллатнинг вакилларидир. Рус йигити Александр, ўзбек Турсун, Пўлат, Шер ва Аҳмадлар, татар йигитлари Мансур, Марат, Ўмарлар, қозоқ йигити Олег, озарбайжон Шавкат, қирғиз йигити Равилларнинг ҳаммаси худди бир оиланинг аъзоларидек, туғишгандан ҳам ортиқ иноқлик билан қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, бригада аъзоларининг бошқалар тақлид қиладиган афзал томонлари жуда кўп. Улар ўзларининг илҳомбахш меҳнатлари билан коммунизм ғалабасини яқинлаштиришга интилмоқдалар, меҳнатда, хулқ-атворда, ўз билимини оширишда олижаноб намуна кўрсатмоқдалар.

Б. ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ташсельмаш» заводи 15-механика цехи бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Суратда: «Ўзбекшахтострой» трести коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи С. Раҳмонов ўз шахсий кутубхонасида.

А. Абалян фотолари.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Кўз ўнгингда рўй бераётган ишлар, воқеаларни кўриб, инсонлар орзу қилган жамиятнинг белгилари ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўз ўрнини эгаллаётганининг гувоҳи бўлганингдан кейин ҳадемай коммунизм ишининг тўла тантана қилишига ишончинг янада ошар экан. Буни улкан Советлар юртининг кичик бир нуқтаси — бизнинг «Илғор» маҳалламиз мисолида яққол сезиш мумкин.

Маҳалламиз бундан 7 йил олдин бор ерлар ўрнида ташкил топди. Бу ерда трамвай-троллейбуслар қатнайдиган ҳозиргидек текис ва катта кўчалар, шинам турар-жой бинолари у ёқда турсин электр, водопровод, телефон, магазин, алоқа бўлими ҳам йўқ эди. **Ҳамжиҳатлик, биродарлик, ўзаро ёрдам** туфайли шундай мислсиз ўзгаришлар бўлаётир. Ҳақиқатда, маҳалламиз аҳолисини ягона оила аъзолари, десак янглишмаймиз. Бирон ҳайрли иш, бирон катта тадбир йўққки, уни бажаришда ҳамма бир ёқадан бош чиқармаган, бир-бирини қувватламаган бўлсин. Жамоатчиликнинг ғайрати, кучи, ёрдами билан маҳалла клуби, идораси, медпункт, ўқишхона, чойхона ва ҳоказолар бунёд этилди.

Коммунизм куртаклари тобора кенг қулоч ёзмоқда. Буни биз маҳалламизда иш олиб бораётган кўнгилли жамоат ташкилотларининг фаолиятида ҳам кўриб турибмиз. Бизда ёнғинга қарши кўраш дружинаси, ўртоқлик суди, халқ дружинаси, врачлар совети, хотин-қизлар совети, оталар комитети ишлаб турибди. Врачлар совети меҳнаткашлар кучи билан яратилган медпунктимизда иш олиб боради. Бу ерда аҳолига бепул хизмат кўрсатилади. Медпунктда ҳар куни кечқурун врачларимиз навбатчилик қилиб туришади. Маҳалладаги беморлар уйҳатдан ўтказилган бўлиб, уларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилаётир. Инсон бир-бирига дўст, меҳрибон бўлган жамиятимиздагина ана шундай олижаноб ишларни амалга ошириш мумкин!

Маҳалла меҳнаткашларининг маданияти, онги, билими нақадар юксалиб бораётгандиги ҳаммамизни қувонтиради. Маҳалладаги 500 га яқин ўғил-қиз олий ўқув юртида таълим олмоқда. Республикамизнинг илмий-текшириш институтларида хизмат қилаётган 13 фан кандидати ҳамда 11 аспирант шу ерда яшайди. Бу ерда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ишлаётган кишиларни кўриш мумкин. Маҳалламиздан 36 врач, 35 инженер, 54 педагог, 13 агроном ва бошқа кўплаб мутахассислар етишиб чиққанлиги билан фахрлансак арзийди.

Маҳалламиз — кўпмиллатли интернационал оила. Бунда ўзбеклар, руслар, татарлар, тожиклар, евреялар ва бошқа миллат вакиллари жуда иноқ, дўст бўлиб яшамоқдалар.

Ж. МАҲМУДОВ,
Октябрь районидаги «Илғор» маҳалла комитетининг аъзоси.

МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Меҳнат туфайли ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдамиз. Ахир шундай бўлиши ҳам керак-да! Колхозимизда биз деҳқонларнинг унумли ишлашимиз, меҳнатимизнинг юзага чиқиши учун ҳамма шароит мавжуд.

Бизнинг меҳнат туфайли эришаётган ютуқларимизнинг сири шундаки, бригадамиздаги каттадан кичигимиз бир-биримиз билан дўстмиз, иноқмиз. Бир оиланинг фарзандларидек меҳнат қиламиз. **Ижтимоий бурчни яхши англаш** *бизнинг асл шиоримиз. Ахир шундай бўлмаса ҳар қандай меҳнат ҳам кутган натижани беравермайди, аъзолар ўртасида уюшқоқлик бўлмаса, ишда кўнгилдагидек олға силжиш бўлмайди.*

Менинг ўзим ўтган йили ҳалол меҳнатим туфайли 40 минг сўмга яқин (эски пул ҳисобида) даромад олдим. Бригадамизнинг бошқа аъзолари ҳам ўз меҳнат кунларига олган ҳақларидан ниҳоятда мамнун.

Партиямизнинг тарихий хужжатларидан бенихоя руҳланган колхозчиларимиз шу кунларда ғўза парваришини давом эттириш билан бирга йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳаммаси бўлиб юз гектар ерда пахта етиштираяпмиз. Бригадамизнинг Сағит Фаттоҳов, Сўяр Иброҳимов, Номозбой Абдуллаев, Мамасоли Ўтбосаров, Рисбек Нолибоев, Сафаралц Иброҳимов сингари аъзолари бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилишаяпти. Менинг ўзим бу йилги мавсумда кам деганда 250 тонна пахта тераман.

Аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик руҳида тарбияланаётган бригадамиз аъзолари 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ф. СЕФЕРШАЕВ,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхози трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, механик-ҳайдовчи.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Давлат азот саноати институтининг Чирчиқ шаҳридаги филиали ҳузурида жамоатчилик асосида ташкил этилган конструкторлик бюроси кўп яхши ишлар қилаётир. Ташаббускор инженер ўртоқ Н. Шчадилов бошчилик қилаётган бу бюро яқинда «Химик» стадиони трибунаси лойиҳасини тайёрлаб берди. Суратда: бюро аъзолари ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

Г. Ястребов фотоси.

ҲИММАТИ БАЛАНД ЙИГИТ

Мана бир неча кундир, Пўлатнинг шаҳти пастроқ кўринади. У ишдан очиладиган, сочилиб, кирмай-йиртилмай келадиган ишчи кийимларини ўзи ювмоқда. Ўйдагилар билан ёзилиб гаплашмайди. Тунларни китоб ўқиб, янги модаларнинг нусхаларини кўриш, яна алла нималар билан шуғулланиб ўтказади. Баъзи пайтларда ҳаёл онани ўз гирдобига олади. «Ўғлимнинг бўйи чўзилиб қолди, битта-яримта қизни яхши кўриб, ўшанинг дардида истироб чекаяптимикин? Ундай деса ўзи «уйланишдан гап очманг, мўлжалдаги ишим битгач, бир гап бўлар» дейдиқу нуқул. Нечун сўлғин, ичида нима дарди борикин бу боланинг? Бундан 28 баҳор илгари бағрингда мўлтайиб, эркаланиб ётган боланг энди ўзинг сирини айтмасин... Қуркка деб Москвага борди, ўқишга деб бир йил Ленинградга кетди. Дунёнинг ҳаммаёгида ўқиб келиб, яна ўқишни баҳона қилади. Мана ҳозир ҳам чойни апил-тапил ичиб, ишга кетди. Ҳали келсин...»

Она худди бировга зарда қилгандек, дастурхонни шахт йиғди...

* * *

— Қани, ҳурматли конструктор, ўйладингизми?

— Ўйлаяпман, — деди ёруғ хона ичида, стол устидаги андозаларга кўз ташлаб Рима Друзина. — Ҳали жудаям етилгани йўқ.

— Менки пишиб қолди чамамда, — деди Пўлат ҳаёлчан, нимадир демоқчи бўлиб лабини жуфтладию, сўнг чап қўли билан сочини силаб қўяқолди. — Шу дейман икки хил фасон, яъни икки бортли ва бир бортли костюмлар баравар бичилса, қандай бўларкин? Шунда моллардан кўпроқ иқтисод қилинса керагов.

— Яхши фикр. Синаб кўрайлик. Биздан олинган андозалар дастлаб экспериментал цехида бир бор синовдан ўтказилади. Оладиган жойи олиниб, қўшиладиган жойи қўшилади. Бир нечта костюм тикиб кўрилади. Тайёр костюм харидорбоп бўлса, коллективга ёқсагина ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Бир ва икки бортли костюмлар илгари алоҳида-алоҳида бичиб олинарди. Икки ўғил бортли костюмлар бир вақтда бичилганда, материалдга андозалар яхши тушиб, қийқим кам чиқишига ишонч ҳосил бўлди. Шундан сўнг стол устига қўйилган материални бичишга киришдилар.

Пўлат Зияхўжаевнинг таклифи билан икки хил костюмларни бир вақтда бичишга ўтдилар. Бу янгилик қисқа вақт ичида самарасини кўрсатди. Илгари битта костюм учун 402 квадрат сантиметр мол кетган бўлса, эндиликда 396,8 квадрат сантиметр кетади. Эҳтимол кичик размердаги костюмлар дерсиз. Пўқ. Илгариги 50 — 48—46 ва бошқа размерларнинг ўзи. Фақат бу методда қийқимлар чиқиши кескин камаяди. Исроф-тарчиликка чек қўйилди.

Пўлатнинг охирги таклифларидан бири фабрикага бир йилда 10 минг метр жун газлама иқтисод қилиш имконини берди. Бу моллардан 3 мингта костюм ва бир қанча хотин-қизлар жакети, эркаклар учун шим тайёрланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Тошкентдаги 1-тикув фабрикасининг экспериментал цех бошлиғи Пўлат Тўлаганович Зияхўжаевга «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган рационализатор» деган фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги хабарни газета саҳифасида ўқир эканмиз, кўз олдимизда кўпқиррали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, узоқ йиллик иш тажрибасига эга бўлган эукко бир киши намоён бўлди.

Фабрикадамиз. Бу ер ишлаб чиқариш корхонасигина эмас, балки истироҳат боғи ҳамдир. Кўкка қараб қад кўтарган азим дарахтлар қуёш билан бетма-бет гаплашиб, «кучинг етса, нурингтигинни ичингдан устига тушириб кўр» деб баҳслашгандек, қадларини рўй-рост кўтариб турибди. Йўлнинг икки бетидаги дарахтлар эса хизматчилар билан саломлашгандек, шохларини аста эгиб олишмоқдалар. Йўлкадан шошиб келаётган 20 ёшлар чамасидаги кизни учратиб, ундан Зияхўжаевни сўрадик.

— Мана шу иморатнинг орқасида экспериментал цехи бор. У киши шу ерда ишлайдилар, — деди, ўтиб кетди.

Бироз юргач, ўрта бўйли, оқсариқдан келган, истараси иссиқ, ўттиз ёшлар чамасидаги қувноқ йигитга дуч келдик. Ундан экспериментал цехни сўрадик.

— Мана шу сиз ахтарган цех бўлади, — деди қулимсираб у.

— Сиз ҳам шу ерда ишлайсизми?

— Ҳа.

— Зияхўжаев шу ердамикинлар-а?

— Шу ерда.

Ёш йигитнинг отаси тенги келадиган одамга ҳурматсизлик билан қараб, уни сансираши, секингина «шу ерда» дейиши бизни ранжитди.

— Сизга малол келмаса, ўша кишини кўрсатсангиз.

— Ўша кишини кўриб турибсиз, мен бўламан, — деди ёқимли жилмайиб.

— Сизми ҳали Пўлат Зияхўжаев? — ҳаяжонланиб сўрадик.

— Мен, — деди у ярим товуш билан.

Ҳозиргина оддий бир ишчими, оғирдми бўлса керак деб ўйлаганимиз бу йигит энди назаримизда ҳаётга тетапоя қадам ташлаб келаётган киши эмас, балки ёш баҳодир, тинч ижодий меҳнатнинг ҳақиқий қаҳрамони. Пўлат иродали инсон бўлиб гавдаланди. Дастлабки, гойибона қилган тасаввуримиз бир сумда бутунлай ўзгариб кетди.

Ақл ёшда эмас, бошда деб шуни айтадилар-да! Эндигина 29 баҳорни кўрган, енгил саноат технологияси институтининг технология факультетининг 4-курсида ишдан ажрамаган ҳолда таълим олаётган Пўлат Тўлаганович 10 га яқин рационализаторлик таклифини ишлаб чиқаришга жорий қилди. У жамият бойликларини кўпайтиришдек олижаноб мақсад йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

З. ОРИПОВ.

Халқаро аҳвол

А. И. МИКОЯННИНГ ЯПОНИЯДА БЎЛИШИ

ТОКИО, 17 август. (ТАСС). Токиода совет савдо-саноат выставкасининг очилиши муносабати билан Японияда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян бугун Япония ҳукумати аъзолари шарафига зиёфат берди.

Зиёфат вақтида бемалоллик вазиятида ошкора суҳбат бўлди. Зиёфатда Япония томонидан бош министр Икеда, ташқи ишлар министри Косака, ташқи савдо ва саноат министри Сато, деҳқончилик ва ўрмончилик министри Коно ва Япония ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар. Зиёфат вақтида совет томонидан Совет Иттифоқининг Япониядаги элчиси Н. Т. Федоренко, ташқи савдо министрининг ўринбосари М. Р. Кузьмин, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси И. И. Тугаринов, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, СССРнинг Япониядаги савдо вакили В. Д. Алексеенко ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

ТОКИО, 17 август. (ТАСС). Кеча Япония ташқи ишлар министри Косака ҳамда ташқи савдо ва саноат министри Сато СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян шарафига қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросимида Косака ва А. И. Микоян нутқ сўзладилар.

* * *

ТОКИО, 17 август. (ТАСС). Бугун эрталаб СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Японияниг энг йирик ўқув юрти — Токио университетида бўлди. Университетнинг студентлари, профессорлари ва ўқитувчилари Микоянни самимий кутиб олдилар.

КПСС УСТАВИНИНГ ПРОЕКТИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

ПАРИЖ, 17 август. (ТАСС). Парижда нашр этиладиган «Франс нувель» ҳафталик газетаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Устави проектининг тўла текстини эълон қилди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ТЕРРОР

НЬЮ-ЙОРК, 17 август. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги мухбирининг Сайгондан берган хабарида Қамишзорлар водисидаги жазо операцияси вақтида 70 дан ортиқ «коммунистик исёнчи» ўлдирилди дейилади. (Ногиньдьемчилар Жанубий Вьетнамда миллий озодлик ҳаракатининг қатнашчиларини шундай атайдилар. — Ред).

Хабарда ўтган ойда ўша Қамишзорлар водисида жазочилар 100 дан ортиқ кишини ўлдирганлиги кўрсатилади.

ФРАНЦИЯДА ЭНГ КАТТА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛАДИ

ПАРИЖ, 17 август. (ТАСС). Париждаги Версаль дарвозаси ёнидаги выставка майдонининг қиёфаси таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Бундан бир ойдан камроқ вақт илгари бу ер ҳувиллаб ётар, баъзи жойлардагина унча ривож топмаган ўтлар ўсмоқда эди. Энди эса бу ерда афсоналардагидек тез қад кўтарган ва ярми ойнадан иборат катта бинога назар ташлаш учун йўловчиларга анча нари боришга тўғри келади.

4 сентябрда бу бинода совет выставкаси очилади. Выставка ҳозироқ парижликларнинг зўр эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Выставка қурилаётган жой француз журналистларининг энг кўп тўпланадиган марказига айланиб қолди. Франциянинг энг йирик газеталари — «Юманите» дан тортиб «Франс-суар»гача мамлакатнинг маданий ва иқтисодий ҳаётидаги ана шу катта воқеага бағишланган мақола ва хабарларни босиб чиқармоқдалар.

Бу йил Парижда очиладиган совет выставкаси, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда выставканинг бош рассоми К. И. Рождественский. Совет Иттифоқи шу вақтгача Францияда ташкил қилган ҳамма выставкалар орасида энг каттаси бўлади. У 25 минг квадрат метр майдонга жойлашади. Выставкага тайёргарлик қатъий график бўйича олиб борилмоқда. Ҳозироқ қурилиш ишлари деярлик тўла тугалланди. Ускуналарни монтаж қилиш ва экспонатларни ўрнатиш ишлари бошланди.

Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати қайта ташкил қилинди

ҚОҲИРА, 17 август. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг президенти Гамол Абдил Носирнинг декретларига биноан, Бирлашган Араб Республикаси ҳукуматининг структураси қайта ташкил қилинди ҳамда Миср ва Сурия районларидаги министрликлар тугатилди. Бирлашган Араб Республикасининг ягона ҳукумати ташкил этилди. Бу ҳукуматда олтита янги министрлик: меҳнат министрлиги, баланд Асуан тўғони ишлари бўйича министрлик, уй-жой қурилиши министрлиги, илмий тадқиқотлар министрлиги, олий таълим министрлиги ва ер ислоҳоти ишлари министрлиги тасис этилди.

Бирлашган Араб Республикасининг иллариги ҳукуматидаги учта вице-президент ўрнига президентнинг декретларига биноан етти вице-президент тайинланди. Уларнинг ҳар бири давлат фаолиятининг турли секторлари учун масъул дирлар. Ҳукумат составига 36 министр киради.

Ҳамма министрликлар Қоҳирада бўлади. Айрим министрликларга бир неча министрлар бошчилик қилади, улар ўртасида министрликларнинг вазифалари тақсимлаб олинади.

Хабар қилинишича, Бирлашган Араб Республикасининг ягона ҳукумати ташкил топганидан кейин иккала районнинг ҳар бирида ижроия кенгаши ташкил қилинади ва ҳар иккала кенгаш Қоҳирада бўлади.

Оккупациячи қўшинларнинг Ғарбий Берлиндаги маневрлари

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 17 август. (ТАСС). Кеча Ғарбий Берлиндаги Груневальд районида Америка ва Англия қўшинларининг йирик танк ва пиёда қўшилмалари маневр бошладилар. Маҳаллий матбуотнинг таъкидлашича, бунда гап Груневальдда шу вақтгача ўтказилган маневрлар орасида энг катта маневр ҳақида бормоқда.

Чирчиқ шаҳридаги «Октябрь 10 йиллиги» дам олиш уйида ҳар йили 20 мингдан ортиқ киши хордиқ чиқаради. Бу ерда республикамиз областларн ва Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидан келадиган меҳнаткашлар яхши дам олиб, ўз меҳнат отпускаларини мазмунли ўтказадилар. Суратда: дам олиш уйи паркининг аллеясида.

С. Чижиков фотоси.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

ҚОРАҚОВУҚ

Ўзбекистоннинг ажойиб ўсимликлар оламида шифобахш қорақовуқ гиёҳи ҳам бор. Кўп йиллик бу ўсимлик тик бўйли, илдизи эса пиёзсимон холдаги қават-қават қовуқлардан иборат.

Қорақовуқ эрта баҳорда ривожланиб, июнь-июль ойларида гуллайди, сўнгра уруғлайди. Гули чиройли оқиш, пуштиранг бўлади.

Бу гиёҳнинг шифобахш хусусиятларидан халқ медицинасида турли касалликларни даволашда фойдаланиб келишган. Жумладан, у оёқ, бел оғриғи, бод ва ички касалликларни даволаш мақсадида истеъмол қилинган. Кимёгарларимиз қорақовуқнинг фойдали «сир»ларини очиш устида ишладилар. Ҳозир ундан галантамин алкалоиди ҳосил қилиш мумкинлиги маълум бўлди. Галантамин қорақовуқнинг баргидан ишлаб чиқарилади. Бу алкалоид палаж касалликларини даволашда қўлланилади.

Ўзбекистон бундай катта аҳамиятга эга бўлган гиёҳга бой. У республикамиз тизма тоғларининг этакларида, қояларида ўсади. Қорақовуққа турли ёввойи ҳайвонлар ўч бўлади. Шунинг учун у йилдан-йилга камайиб кетмоқда. Бу ўсимлик маданий ҳолда ўстирилганда яхши ривожланади. Шу сабабли ҳам қорақовуқни бепоён адрларимизга, тоғ бағирларига экиб кўпайтириш лозим.

М. ТЎЙЧИЕВ,
Биология фанлари кандидати.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Ҳа демай мактабларда янги ўқув йили бошланади. Каникулни мазмунли ўтказган ёш авлод яна жонажон мактаби қучоғига отланади.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишларини таъминлаймиз, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга, ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрлаймиз, деган шиор остида ҳозирлик кўрган мактабларда янги ўқув йили учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилмоқда. Бўка районидаги айрим мактаблар фаолиятида ҳам ана шундай қувончли ҳодни кўриш мумкин.

Бўка пахта заводи (директори ўртоқ М. Когай) ўз отлиғидаги 1-ўнбир йиллик мактаб ремонти учун етарли миқдорда маблағ ажратди. Корхона вакиллари қурилиш ва ремонтга бош-қош бўлиб турдилар. Натижада бу мактаб янги ўқув йилига тайёр эканлиги тўғрисида районда биринчи бўлиб 20 июлдаёқ рапорт берди.

«XIX» партсъезд» колхози (раиси ўртоқ А. Душабоев) кучи билан 8-мактаб саҳни кенгайтирилди ва синф хоналарининг ремонти белгиланган муддатда сифатли тамомланди. Эндиликда бу ерда машғулотларни фақат бир сменада олиб бориш имкони туғилди.

Биринчи сентябрь тараддуди кўрилаётган ҳозирги қизғин кунларда районда мактабларга оталик ёрдами кўрсатишни унутиб қўяётган хўжалик ва ташкилот раҳбарлари ҳам борки, бу ҳол кишини ажаблантиради. Улар йил бошида «ундай қилиб ёрдам берамиз, бундай қилиб ёртам берамиз» деб лоф уришган эди. Мана энди авжи иш қизғин бораётган бир пайтда улар қўл қовуштириб туришибди.

Мисол учун, «Ленин йўли» колхози территориясида қад кўтараётган 8 йиллик мактабни олайлик. 500 ўқувчига мўлжалланган мазкур билим ўчоғи (мактаб директори ўртоқ Р. Сулаймонов) янги ўқув йилидан ишга туширилиши лозим. Аммо, қурилиш суръати суст. Биноннинг томи ёпилган, ҳолос. Синф хоналарининг сувоғи ҳам, поли ҳам кўздан чиққани йўқ. Ваҳоланки, колхоз правлениеси (раиси ўртоқ М. Иброхимов) ва партия ташкилоти (секретари ўртоқ Т. Шодибеков) бинони кечи билан август ойининг биринчи ўн кунлигида фойдаланишга топширишга сўз берган эди.

Ильич номли колхоз раиси ўртоқ Ў. Жарқинбоев шу хўжалик оталиғидаги 26-мактабни ўн бир йиллик билим ўчоғига айлантириш ҳақидаги таклифга жон-дили билан қўшилган эди. Аммо, қурилиш ва ремонт ишлари белгиланган муддатда тугалланмай, ҳамон судралиб келаяпти.

Район марказида икки қаватли янги типовой мактаб қурила бошлаганига бир йил бўлмаса ҳам, 7—8 ой бўлиб қолди. Аввалам бор унинг кечикишига 9-қурилишмонтаж бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Кочетков) айбдидир. Бошқарма раҳбарлари қурилишнинг боришини системали равишда контроль қилиб турмадилар. Бу бир. Иккинчидан, қурилишни керакли материаллар билан ўз вақтида таъминламадилар. Ишнинг сифатсиз бажарилишига йўл қўйдилар. Синф хоналарига электр ўтказилган эмас. Канализация ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Бунинг натижасида биринчи августгача тахт қилиб қўйилиши лозим бўлган бу бино ҳанузгача фойдаланишга топширилгани йўқ.

Район мактабларини инвентарлар ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлаш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шу кунгача мактаблар учун 600 та парта, 150 та доска олингани йўқ. Бу ўринда Тошкент область халқ маорифи бўлимининг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимлари ҳам айбдирлар.

Дарсликларни тарқатиш ва улар билан савдо қилиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Район матлубот жамияти (мудири ўртоқ А. Султонов) зарур бўлган дарсликларнинг фақат 55 процентини тарқатди, холос. Машғулотлар қиргиз, қозоқ, тожик тилларида олиб бориладиган мактаблар дарсликларни жуда кам олаётир.

Бу йил райондаги мавжуд 40 та мактабнинг ҳаммаси бир сменали машғулотларга тўла кўчирилади. Бунинг учун уларни қўшимча синф хоналари билан таъминлаш, янги устахона ва фан кабинетлари қуриш лозим. Бу муҳим ишда оталик ташкилотлари ҳам халқ маорифи ходимларига фаол ёрдам беришни унутмасликлари керак.

Кўриниб турибдики, райондаги айрим мактаблар янги ўқув йилига тўла тайёр эмас. Шу туфайли қолган ганимат кунлардан унумли фойдаланиб, куч ва имкониятларни ишга солган ҳолда мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиш керак.

А. АЛИЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

КПСС УСТАВИ — ПАРТИЯ ҲАЁТИНИНГ ҚОНУНИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Устав проекти партияда аъзо бўлишнинг ленинча принципини сақлаган ҳолда, партия аъзоларининг коммунизм қурилишидаги авангардлик ролини янада юқори кўтаради, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқларини аниқ белгилаб беради.

Устав проекти КПСС аъзоси зиммасига қандай вазифаларни юклайди? Даставвал, «коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш олиб бориш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳамма янги, прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиш, илғор тажрибани қувватлаш ва ёйиш, техникани эгаллаб бориш, ўз малакасини ошириш, Совет Ватанининг қудрати ва равнақининг негизи бўлган ижтимоий, социалистик мулкни сақлаш ва кўпайтириш» вазифасини юклайди.

Бу вазифалар партия ва совет халқининг йигирма йил мобайнида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборат асосий иқтисодий вазифасидан келиб чиқади. Бу вазифалар социализмдан коммунизмга ўтиш даврида коммунист учун партия нормаси бўлиб қолади. Коммунист ҳамма соҳада: меҳнатда ва ўқишда, жамоат ишида олдинда бориши зарур. У бизнинг олға томон ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилувчи камчиликларга қарши дадил ва охиригача кураш олиб бориши, партиянинг халқ билан алоқаларининг мустаҳкамланиши ва кенгайишига ҳар тарафлама кўмаклашиши, кишиларга сезгирлик ва эътибор билан қараши, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ўз вақтида жавоб бериши зарур. Коммунист мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат ишларини бошқаришда, хўжалик ва маданий қурилишда актив иштирок этган ҳолда, ижтимоий бурчни бажаришда ўрнак кўрсатиши, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ёрдам қилиши лозим.

Ҳар бир партия аъзосининг марксча-ленинча назарияни фақат ўзи эгаллаб ва ўзининг ғоявий савиясини оширибгина қолмай, балки коммунистик жамият кишисининг шаклланиши ҳамда тарбияланишига кўмаклашишдан иборат бурчи партиямизнинг ўз табиатидан келиб чиқади. У буржуазия идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига, хусусий мулкчилик психологиясининг қолдиқларига ва ўтмишнинг бошқа саркитларига қарши кураш олиб бориши, коммунистик аҳлоқ қоидаларига риоя қилиши зарур. Замонамиз учун муносиб бўлган соғлом турмуш учун курашиш — ҳар бир коммунистнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Устав проектида партия аъзосининг энг муҳим вазифалари асослаб берилган: у социалистик интернационализм ғояларини актив ташувчи бўлиши, СССР халқлари дўстлигини, совет халқининг социалистик лагерь мамлакатлари халқлари билан, барча мамлакат пролетарлари ва меҳнаткашлари билан қардошларча алоқаларини мустаҳкамлашга сўзи ва иши билан кўмаклашиши лозим.

Устав проекти коммунистларнинг вазифалари билан бир қаторда, уларнинг ҳуқуқларини ҳам белгилайди. Янги устав Ленин партиясининг аъзоси деган номни янада юксакликка кўтаради ва ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Партия аъзосининг Уставда ёзилган ҳуқуқлари,— бу партия ички демократиясини бузишга қарши қаратилган, коммунистларни унга юзаки, бюрократларча муносабатда бўлишдан сақлайдиган, партия оммасининг активлигини оширишга, танқидни ривожлантиришга, бутун партия ва давлат ишини яхшилашга кўмаклашадиган партия қонунидир.

VIII партия конференциясидан (1919 йил декабрь) буён партияда партия аъзолигига кандидатлар институти жорий қилинди. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шундан буён партиямиз белгиланган кандидатлик стажини ўтган ўртоқларни партия аъзолигига қабул қилиш қоидасига оғишмай амал қилиб келмоқда. Партиянинг XIX съезди Уставда кандидатлик стажини узайтириш имкониятини назарда тутди. Бунга кўп минг сонли кандидатларнинг стажи айрим ҳолларда етти йилгача ва ундан ортиқ вақт ўтиб кетганлиги сабаб бўлди. Шу муносабат билан Уставга вақтинчалик чора сифатида кандидатлик стажини узайтириш ҳақидаги қоидани киритиш зарур деб топилди.

Ҳозирги шароитда кандидатлик стажини узайтириш зарурати йўқолди. Устав проектида кандидатлик стажи тугагач, кандидатни партия аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилиш таклиф этилади. Агар кандидат кандидатлик стажини ўташ даврида ўзини кўрсатмаса ва ўзининг шахсий сифатлари бўйича КПСС аъзолигига қабул қилинишга нолойиқ бўлса, партия ташкилоти уни партия аъзолигига қабул қилишни рад этади. Бу қарор район ёки шаҳар партия комитети томонидан тасдиқланганидан кейин кандидат КПСС аъзолигига кандидатликдан чиққан ҳисобланади. Бундан кандидатлик стажи ўтиш учун бошланғич партия ташкилотлари ва кандидатларнинг ўзларининг масъулияти нақадар ошганлиги кўриниб турибди.

Шахсга сиғиниш ва у билан боғлиқ бўлган колдектив раҳбарликни ва партия ички демократиясини бузиш партия раҳбарлигининг ленинча нормалари ва принципларига зиддир.

«Партиянинг ташкилий тузилишининг раҳбар принципи, — дейилади проектда,— демократик централизмдир». Ана шу талабларнинг ҳаммаси янги Устав проектининг барча бўлим ва параграфларида аниқ ифодалаб берилган ва ривожлантирилган. Аммо ана шу талаблар ҳақида партиянинг ташкилий тузилиши тўғрисидаги, унинг олий органлари ва маҳаллий ташкилотларининг вазифалари ҳамда иш методларини, партия аъзоларининг вазифалари ва ҳуқуқларини белгилаш тўғрисидаги бўлимларда айниқса муфассал гапирилади.

Кейинги йилларда партиямиз коллектив раҳбарликнинг ленинча принципларини оғишмай амалга ошириб келмоқда, раҳбар партия органларига партиянинг янги кучлари янада кенг равишда келиб қўшилишини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Янги Устав проектида бу соҳадаги муҳим тадбирлар назарда тутилган. Бошланғич партия ташкилотларидан тортиб то Марказий Комитетгача партиянинг сайлаб қўйиладиган органлари составини белгиланган нормаларда системали равишда янгилаб бориш, партия ташкилотларида ҳисобот беришни кенг қўлланиш, партия йиғилишлари, конференциялари, съездлари, пленумлари ва бошқа коллектив органларнинг ролини янада ошириш бунга тааллуқлидир. Маош олиб ишлайдиган партия аппаратини қисқартириш ва коммунистларни штатсиз ходимлар сифатида янада кенг жалб қилиш, шунингдек танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантириш назарда тутилади.

Партиямиздаги демократик централизм даставвал коммунистларнинг активлигини ҳар томонлама оширишга қаратилган. Бу принцип централизмни кенг демократизм билан, бошланғич партия ташкилотларидан тортиб то КПСС Марказий Комитетигача бўлган истесносиз барча партия органларининг сайлаб қўйилиши ва ҳисоб бериши билан органик равишда мувофиқлаштиради.

Устав проектида партиямизнинг асоси бўлган бошланғич партия ташкилотларининг совет халқининг коммунизм учун умумий курашидаги роли ва ўрни аниқ белгилаб берилган, уларнинг вазифалари ва бурчлари, шу жумладан аҳлоқни тарбиялаш соҳасидаги вазифалари доирасини яна кенгайтириш назарда тутилган. «Партия ташкилоти, — дейилади янги Устав проектида, — ҳар бир коммунистнинг ўзининг бутун ҳаётида КПСС Программасида баён қилинган аҳлоқ принципларига риоя қилишига ва уларни меҳнаткашлар онгига сингдиришга ҳаракат қилиши лозим».

Устав проекти бошланғич партия ташкилотларининг ролини, коммунистларнинг активлигини янада кўпроқ оширишга, партия ташкилотларида юксак жавобгарлик ва талабчанлик шароитини вужудга келтиришга кўмаклашадиган тадбирларни назарда тутади. Партия йиғилишларининг тарбия мактаби сифатидаги роли ва аҳамияти ошади.

Устав проекти янги шароитни ҳисобга олиб, коммунистлар истиқомат қиладиган қишлоқларда ва уй бошқармалари ҳузурида территориал бошланғич партия ташкилотлари тузишни назарда тутади. Бу, партия ташкилотларига аҳоли ўртасида олиб бориладиган ишни яхшилашда, ҳар бир киши билан алоқа қилишда ёрдам беради.

Партия ички демократиясининг кенг ривожланиши ва партия интизомининг мустаҳкамланиши — партия ташкилотларининг активлигини кучайтиришнинг, уларнинг мамлакат ҳаётидаги ролини оширишнинг энг яхши гаровидир. КПССнинг янги Устави партиянинг мамлакатимизда коммунизм галабаси учун олиб бораётган курашида унинг қудратли ташкилий қуроли бўлади.

А. СВИНАРЕНКО.

ТОШКЕНТНИНГ ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Кафанов номли парк, Халқ ижоди уйининг ёзги театри) — 19/VIII да **Штрауснана, Болеро** ва **концерт бўлими**, 20/VIII да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 19/VIII да **Олма гуллаганда**, 20/VIII да **Гамлет.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хотинли бўйдоқ — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Эркин шамол — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8 ярим ва 11 да).

Раис — марказий ҳужумчи — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 ва 11 да).

Севаман сени, ҳаёт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 да).

Номаълум аёл — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1-20 минут, кеч 5 ва 7 да).

Уприлиш — «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

Буратинонинг саргузаштлари — «МИР» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Хотинли бўйдоқ — «ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли, ТЕЛЬМАН номли, ПУШКИН номли.

Раис — марказий ҳужумчи — «ВАТАН».

Сиҳрли тамоша — «ПОБЕДА».

Хавфли рейс — НАВОИЙ номли, «ОКТЯБРЬ».

Уприлиш — «УДАРНИК».

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасн

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

УЧ ЮЛДУЗ

НОМЛИ КИНОНОВЕЛЛАЛАР

Сценарий авторлари — **Лайош Галамбош, Йожеф Бекеш, Золтан Варкони.**

Режиссёр — **Золтан Варкони.**

Оператор — **Иштван Хильдебранд.**

Ролларда:

Лайош Баштн, Миклош Габор, Апостол Карамитев, Ласло Банхиди, Мани Киши, Мари Тёрёчик, Золтан Варкони, Золтан Маклярилар қатнашади. Фильмни Вентрияниинг «Будапешт» киностудияси ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри — **А. Лирова**, овоз операторн — **А. Изъбуцкий.**

ЎРМОН ҚЎШИҒИ

НОМЛИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМ

(**Леся Украинканинг** шу номдаги асари асосида ишланган).

Сценарий автори ва постановкачи — **Виктор Ивченко.**

Оператор — **Алексей Прокопенко.**

Ролларда:

Р. Недашковская, В. Сидорчук, П. Весклярон, В. Рудин, В. Квитка, В. Губенко, Р. Пирожснко, Р. Дорошенко, А. Роговцева, Л. Марченко, Н. Таенко, Е. Харченко, В. Максименко, Боря Воблий, Юра Баранцев, Ира Семко Серёжа Шиманлар қатнашади.

Фильмни А. П. Довженко номли киностудия ишлаган.

Қишки ва ёзги «Ватан», «Ўзбекистон», «Фестиваль», Кафанов номли, «Ударник», Шаҳар кинолекторийси экранларида кўрсатиш учун

Юлдузлар сари биринчи сафар

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ ХРОНИКАЛ-ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ

Сценарий авторлари — **Г. Кублицкий, Е. Рябчиков.**

Режиссёрлар — **Д. Боголепов, И. Копалин, Г. Косенко.**

Бош консультантлар — авиация генерал-лейтенанти **И. Камании**, медицина фанлари доктори, профессор **В. Яздовский.** Фильмни Ҳужжатли фильмлар Қизил Байроқ орденли Марказий студияси ва Илмий-оммабоп фильмлар Қизил Юлдуз орденли Москва студияси ишлаган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 19 АВГУСТ, 1961 ЙИЛ

Лаос масаласини ҳал этишга бағишланган кенгашда

ЖЕНЕВА, 17 август. (ТАСС). Лаос масаласини ҳал этишга бағишланган халқаро кенгашнинг тор составда ўтказилган кечаги мажлисида битим проектининг Лаос территориясидан чет эл ҳарбий қисмларини ва чет эл ҳарбий ходимларини олиб чиқиб кетиш ҳамда буни амалга оширш муддатлари ҳақидаги модласини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Маълумки, бу масала юзасидан олиб борилган уч кунлик дискуссия натижа бермади. Бунинг сабаби шуки, Ғарб делегациялари ва биринчи навбатда АҚШ делегацияси мураккаб писандаларни илгари сурмоқда. Бу писандалар бир томондан, қўшинларнинг олиб чиқиб кетилишини ҳар қандай баҳоналар билан кечиктиради, иккинчи томондан эса, халқаро комиссия ҳуқуқларининг асоссиз равишда кенгайтирилишига ва унинг суверен Лаос давлати ички ишларига аралашувига олиб келади. Бугун кенгаш Лаос территориясидан чет эл қўшинларини ва чет эл ҳарбий ходимларини олиб чиқиб кетиш ҳақида принципиал низомни редакцион комиссияга топшириш ҳақида қарор қабул қилди. Олиб чиқиб кетиш муддатлари тўғрисидаги масалага, яъни кенгаш қатнашчилари фикрларидаги ихтилофларга сабаб бўлган масалага келганда, бу масалани ҳозирча очиқ қолдиришга ҳамда кейинчалик, Лаоснинг бетарафлиги тўғрисидаги декларация юзасидан ва битим юзасидан вақтинча кечиктирилган ҳамма масалаларни қараб чиқиш вақтида уни яна қараб чиқишга қарор қилинди.

Кенгаш «чет эл ҳарбий ходимлари» деган тушунчани аниқлаш ҳақидаги навбатдаги масалага ўтди. Бу масала юзасидан дискуссия давом этмоқда.

Кечаги мажлисда битим текстини узилкесил ишлаб чиқиш учун редакцион комиссия тузилди. Комиссия составига СССР, Англия, Франция, Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон, Польша, Канада, АҚШ вакиллари кирди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган матбуётининг босма хонаси. Тошкент шаҳри

Р. 01678 Нашр. В. 1663.